# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 12 ноябрь, № 239 (7741) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН МИЛЛИЙ ЯРАШУВ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдуллани қабул қилди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон — Афғонистон муносабатларини ривожлантиришда эришилган суръатни катта мамнуният билан таъкидлади. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт ва логистика, энергетика, таълим ва бошқа муҳим йўналишларда устувор лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонда минтақавий аҳамиятдаги инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр экани таъкидланди.

Абдулла Абдулла самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик музокараларини бошлашга ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича фаолиятини бирлаштиришга хизмат қилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Меҳмон Ўзбекистон томонидан кўрсатилаётган доимий кўмак учун миннатдорлик билдирди ҳамда мамлакатимизнинг Афғонистонни минтақавий савдо-иқтисодий жараёнларга жалб этишга қўшаётган ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирган масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик "Йўл харитаси"га киритилган устувор тармоқлардаги иқтисодий кооперация лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Ҳудудлар ва бизнес даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ ва ШҲТ доирасидаги мулоқотни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

# ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

*Куни кеча Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Унда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар чуқур таҳлил қилиниб, муҳим йўналишларда таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.*

*Мухбиримиз бу хусусда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал САИДОВнинг фикрлари билан қизикди.*

## Бизнинг интервью

**— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти замонавий халқаро ташкилотлар тизимида ўзига хос ўринга эга, — дейди Акмал Саидов. — Ташкилот тузилганига кейинги йил 20 йил тўлади. Даставвал 6 та давлат аъзо бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 8 тага етди. Ўзбекистон ҳам ШҲТнинг асосчи давлатларидан бири саналади.**

ШҲТнинг бугун халқаро муносабатлардаги ўрнини ташкилотлар билан қиёслаганда, бир неча ўзига хос ўлчовларга, мезонларга эгалигини кўриш мумкин. Биринчиси, хавфсизлик, тинчликни таъминлашга қаратилган бўлса, иккинчи ўлчови, бу, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш саналади. Учинчиси, ШҲТ маконидаги экологик иқлим ўзгаришларига муносабат билдириш ва ниҳоят, тўртинчиси, инсонийлик мезони ҳисобланади.

2

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НУТҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган саммитидаги нутқида келтирилган халқаро ташаббусларга дунёнинг турли мамлакатлари экспертлари ўз муносабатларини билдирмоқда.*

## «Халқ сўзи» учун махсус

**Антонио Алонсо,**
**Сан-Пабло университети ҳузуридаги Гуманитар тадқиқотлар институти профессори:**

— Президент Шавкат Мирзиёев ШҲТ саммитидаги видеонутқида замонавий халқаро сиёсатнинг энг муҳим масалаларидан бири — яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашни аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берди.

Айнан бир-бирининг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиш глобал дунё тартиботи билан боғлиқ вазият истиқболи ноаниқ бўлиб турган даврда ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Ўзбекистон раҳбарининиг "Ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ ҳам кучли бўлади" деган фикри мамлакат ҳам ШҲТ доирасида, ҳам икки томонлама муносабатлар шаклида кўп қиррали алоқаларни чуқурлаштириш стратегиясига содиқлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти томонидан ШҲТ доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш бўйича илгари сурилган таклифларнинг амалга оширилиши халқаро кўламда ҳар бир аъзо давлатнинг алоҳида ва ташкилотнинг умумий обрўсини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг хавфсизликни таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш ва минтақада барқарор ривожланиш учун қулай шароит яратиш борасидаги ташаббуси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Ахборот технологиялари ва ижтимоий тармоқларнинг ёшларни ёллаш ҳамда радикаллаштириш, шунингдек, террорчи ташкилотларни молиялаштиришдаги роли ортиб бораётган бир вазиятда ваколатли идоралар ўртасидаги амалий алоқаларни фаоллаштириш, ШҲТ МАТТ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш бўйича билдирилган фикр-мулоҳазаларни жуда долзарб ва ўта муҳим, деб ҳисоблайман.

2

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ САККИЗИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ҳурматли дўстлар!**

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг саккизинчи қурултойи очилиши билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чексиз эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Сизларга яхши маълумки, **дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий тараққиётида аввало инсон меҳнати ва салоҳияти беқиёс аҳамият касб этади.**

Шунинг учун ҳам республикамизда меҳнат муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларимизнинг меҳнат соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бандлик масаласини ҳал этиш, камбағалликни қисқартиришга катта эътибор берилмоқда.

Ана шундай ёндашув асосида кейинги тўрт йилда ушбу йўналишдаги миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш, аҳолининг қонуний даромад топиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қулай имкониятлар яратиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шу борада биз эришган натижалар жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро тузилмалар томонидан тан олинмоқда.

Буларнинг барчасида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек олижаноб мақсад йўлида 14 та тармоқ ва 14 та ҳудудий бўлинмани, 5,5 миллиондан ортиқ аъзоларни бирлаштирган, жамиятимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг муносиб ҳиссаси борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Дарҳақиқат, сизларнинг бевосита иштирокингизда меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, ижтимоий ёрдам ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг фаоллигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларимизни амалга оширишда мамлакатимиздаги энг йирик фуқаролик институти бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари чинакам жонбозлик кўрсатмоқда.

Ушбу тизим ривожида сўнгги йилларда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилингани, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро тузилмалар билан яқин алоқаларни йўлга қўйганимиз, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси аҳолининг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлашда Ҳукуматнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айланиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни шу асосда халқ билан самарали мулоқот олиб боришда касаба уюшмалари энг халқчил ва демократик тузилма сифатида ўзини яққол намоён этиб, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича умуммиллий ҳаракатимизда фаол қатнашмоқда.

Буюк Амир Темур бобомизнинг **"Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ — вазифангиздир"**, деган даъватига амал қилиб келаётган ташкилот фаоллари сўнгги йилларда мамлакатимиздаги 2 миллион 160 мингта оиланинг турмуш шароити билан чуқур танишиб, 650 мингта муаммони аниқлагани ва уларнинг 556 мингтаси ўз ечимини топгани, касаба уюшмалари иштирокида 7 мингта уй-жой тўлиқ таъмирлангани эътиборга моликдир.

Шунингдек, 1400 та оила янги уй-жойлар, 28 минг оила маиший техникалар билан таъминлангани, эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2400 нафар беморга бепул тиббий ёрдам кўрсатилгани айниқса диққатга сазовордир.

Касаба уюшмалари федерацияси ташкил этган хайрия акцияси доирасида моддий аҳволи оғир бўлган 642 минг нафардан ортиқ киши ишга жойлаштирилгани, қарийб тўрт мингта тўйлар ўтказиб берилгани ҳам ана шундай эзгу ва хайрли ишлар қаторига киради.

Бундан ташқари, Федерация томонидан ишчи-ходимларнинг 35 мингдан ортиқ мурожаат ва шикоятлари кўриб чиқилиб, 13 минг 500 нафарга яқин фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари тикланди, аризачилар фойдасига 13 миллиард сўмлик маблағ ундириб берилди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб куну тун фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг "ишонч телефони"га келиб тушган 50 мингдан зиёд мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилгани ҳам ушбу тизимда фуқаролар муаммолари билан ишлаш бўйича салоҳият ва имкониятлар катта эканини кўрсатади.

Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган табиий ва техноген офат оқибатларини бартараф этишда касаба уюшмалари фаоллари аҳолига биринчилар қаторида елкадош бўлганларини таъкидлаш лозим.

Юртимизда гендер тенгликни таъминлаш тобора устувор аҳамият касб этиб бораётган ҳозирги пайтда касаба уюшмалари ҳурматли аёлларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтиришда ўрнак ва намуна кўрсатмоқда.

Шунингдек, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш масалалари ҳам ушбу тизим вакилларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Сизларнинг ташаббусингиз билан ички ва ташқи туризм ҳамда тиббий сайёҳликни ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Турли ташкилот ва муассасалар ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, кекса авлод вакиллари, эҳтиёжманд оилаларга мансуб аёллар ва болалар, шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, жами 800 минг киши турли йўналишлар бўйича саёҳатга олиб борилганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Албатта, ўзининг эзгу ғоялари, амалий ишлари билан жамиятимиз ҳаётига ғоят яқин бўлган ушбу халқчил тузилманинг эътибор ва ғамхўрлигини бугун юртимизда ҳар бир жамоа, ҳар бир меҳнаткаш ҳис қилиб яшамоқда. Бу — касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим натижаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамизда тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат ва саховат, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссангиз, фидокорона меҳнатингиз учун сизларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

**Муҳтарам юртдошлар!**

Жонажон Ўзбекистонимиз янги Уйғониш ва тараққиёт даврига қадам қўйган, ана шу юксак мақсад йўлида буюк ишлар амалга оширилаётган ҳозирги кунда халқимизни янада катта марралар сари сафарбар этишда касаба уюшмаларининг роли ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ишончим комил, мазкур қурултой касаба уюшмалари фаолиятини чуқур танқидий таҳлил қилиб, олдинда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, иш самарасини янада ошириш бўйича янги таклиф ва ташаббусларни илгари суриш учун муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади.

Ушбу анжуман ўз сафларида миллионлаб одамларни бирлаштирган касаба уюшмалари тарихида янги даврни бошлаб беради, деб умид билдираман.

Шу муносабат билан қурултой қатнашчиларига бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман: Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги улкан ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, республикамизда 11 ноябрь санасини **Касаба уюшмалари куни деб белгилаш** мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Шу билан бирга, мазкур соҳа учун замонавий билим ва малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқаро тажрибани пухта биладиган етук кадрларни тайёрлаш мақсадида **Касаба уюшмалари академиясини** ташкил этиш масаласини ҳам кўриб чиқишни таклиф этаман.

**Ҳурматли қурултой иштирокчилари!**

Халқимизда **"Одам қадрин меҳнат оширар"**, деган чуқур маъноли мақол бор.

Ҳақиқатан ҳам, ҳалол ва олижаноб меҳнат инсонни улуғлайди, унинг оила ва жамиятда, эл-юрт ўртасида муносиб обрў-эътибор топишига хизмат қилади.

Аминманки, ўз ҳаётини шарафли вазифага — меҳнат ва меҳнат эгаларининг ҳуқуқлари муҳофазасига бағишлаган юртдошларимиз ҳар қандай юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Сизларнинг тимсолингизда биз ана шундай жонкуяр ва фидойи инсонларни кўрамиз, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли таъминлашда сизларни давлат идораларининг яқин ҳамкори ва кўмакчиси, деб биламиз.

Барчангизни бугунги анжуман билан яна бир бор қутлаб, масъулиятли ва серқирра фаолиятингизда сиҳат-саломатлик, омад ва зафарлар, қурултой ишига эса муваффақиятлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ўзбекистон касаба уюшмалари:

# ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

*Кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва касаба уюшмаларининг ижтимоий ҳамкорлари бўлган вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши раислари ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари делегат сифатида иштирок этди.*

## Қурултой

Шунингдек, видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мазкур тадбирда қурултойга сайланган 427 нафар делегат Касаба уюшмалари Федерациясидаги марказий студиядан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Федерациянинг малака ошириш институтида ташкил этилган ҳудудий студиялардан туриб қатнашди.

Қурултойда даставвал Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси VIII қурултойи иштирокчиларига табриги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов томонидан ўқиб эшиттирилди.

Мустақил Ўзбекистон тарихида давлат раҳбари томонидан касаба уюшмалари қурултойи қатнашчиларига илк маротаба йўлланган мазкур табрикда касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги улкан ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, республикамизда 11 ноябрь санасини Касаба уюшмалари куни деб белгилаш, шунингдек, соҳа учун замонавий билим ҳамда малакага эга бўлган, ижтимоий муносабатлар назарияси ва амалиётини, бу борадаги халқаро тажрибани пухта биладиган етук кадрларни тайёрлаш мақсадида Касаба уюшмалари академиясини ташкил этиш таклифлари билдирилди.

3

# ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

1

Чунки бундай олиб қаралса, ҳамма бу макондаги давлатлар у ёки бу давлат билан қўшнилиги ва инсонийлик алоқалари билан белгиланади. Шунинг учун ҳам 2017 йилда Президентимиз ШҲТ маконида Ҳалқ дипломатияси нодавлат нотижорат ташкилоти тузиш таклифи билан чиққан эди. Ва бу ташкилот ҳозирги кунда ўз фаолиятини олиб боряпти.

ШҲТнинг энг юқори органи, бу, давлат бошлиқларининг учрашуви, кенгаши ёки саммити ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бу йил тўртинчи маротаба ШҲТ раҳбарлари саммитида нутқ сўзлади. Президентимиз маърузаларини кузатиб, мантиқий солиштирадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири давомийлиги, изчиллиги, ҳар босқичда давр талабига мос равишда жавоб бериши билан ажралиб туришини қайд этиш жоиз.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос хусусияти пандемия сабабли унинг онлайн — видеоконференцалоқа тарзида ўтганидир. Шунга қарамасдан, Президентимиз иқтисодий соҳада ҳозирги ШҲТ давлатлари орасида савдо-иқтисодий алоқалар кескин қисқарганлигини, ишлаб чиқариш пасайиб кетганлигини, ишсизликнинг ошиб бораётганлигини таъкидлади. Сиёсий хавфсизлик соҳасида эса ҳали кўпгина ҳудудларда сиёсий вазият кескинлашаётгани, миллатлараро ва динлараро муносабатлардаги зиддиятлар чуқурлашгани айтиб ўтилди. Мамлакатимиз раҳбари мана шу вазиятга баҳо бериб, “агар ҳар биримиз кучли бўлсаккина ШҲТ кучли бўлади”, деган шиорни илгари сурди. Қолаверса, бу ҳолатда нималар қилиш кераклигига асосий эътиборни қаратди.



Энг аввало, яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилиш, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда олдимизда турган муносабатларни ҳал қилишимиз мумкинлиги таъкидланди. Президентимиз шу ўринда яна бир ғояни —“Шанхай руҳи”ни тиклашимиз кераклигини илгари сурди.

Табиий савол туғилади: “Шанхай руҳи” нима? Бу, биринчидан, умумий бойлигимиз бўлган қадриятлар — биргаликда тараққиёт сари интилишни ўзида мужассам этади. Сир эмас, ҳамма давлатлар тараққиётга интилади. Давлатимиз раҳбари шуни биргаликда амалга оширишни таклиф этяпти. Иккинчидан, ҳар битта аъзо давлатнинг маданий хилма-хиллигини, ранг-баранглигини эътиборга олиш кераклигига урғу берилди. Кўп томонлама ҳамкорликда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ҳам, ўз навбатида, “Шанхай руҳи”ни англатади.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев олтита йўналишда аниқ ташаббусларни илгари сурди. Иқтисодий соҳа, рақамли жамиятни ривожлантириш, камбағаллик, пандемия ҳамда эпидемиялар, касалликларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик, терроризм, экстремизм ва наркобизнесга қарши курашиш ҳамда афғон муаммосини ҳал қилишда ШҲТ ролига аҳамият қаратди. Шу ўринда Президентимиз бўйича янги ғояни — Марказий Осиё билан Жанубий Осиё ўртасида кўприк вазифасини тиклашга хизмат қиладиган транспорт йўлакларини барпо этиш кераклигини билдирди. Бу ҳам афғон муаммосини ҳал қилишда кенг ёндашувнинг бири сифатида намоён бўлди.

Президентимиз нутқининг бир нечта хусусиятлари бор. Булар — изчиллик, қатъийлик, прагматик ёндашув ва ташаббускорликдир.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббуси чуқур танқидий-тарихий ҳамда илмий-замонавий таҳлилга асослангани билан ажралиб туришини кўришимиз мумкин. Энг муҳими, ҳар бир ташаббусни илгари суришда Президентимиз халқаро ҳамкорларнинг манфаатларини ҳам эътиборга олишини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан айтганда, кечаги нутқни том маънода, тарихий нутқ, деб ҳисоблайман. Бу, айниқса, ҳозирги мураккаб шароит — пандемия давридан чиқишнинг аниқ йўлларини кўрсатиши билан ажралиб туради.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ НУТҚИ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАНИ БИЛАН НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ

1

Марказий Осиё бўйича мутахассис сифатида Афғонистондаги хавфсизлик ва тинчлик масаласига бутун ШҲТ минтақасининг барқарорлиги ҳамда иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг муҳим таркибий қисми сифатида қаралиши лозим, деган фикрга тўла қўшиламан. “ШҲТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тез фурсатда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси эса Афғонистон, ШҲТга аъзо давлатлар, айниқса, Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар учун жуда фойдали ҳисобланади.

**Шабир Аҳмад Хон,**
**Пешовар университети (Покистон) профессори:**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқида таъкидланганидек, дунёда давом этаётган пандемия шароитида аҳоли соғлиғига хавф туғдираётган янги хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда курашиш кўламини кенгайтириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон раҳбари саммитда Эпидемия таҳдидларига қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг комплекс режасини қабул қилиш ва уни амалга ошириш, хавфли юқумли касалликлар тарқалиши бўйича самарали ахборот алмашинувини йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти ШҲТга аъзо давлатларнинг ихтисослаштирилган клиникалари ўртасида ўзаро самарали алоқаларни ривожлантириш учун эпидемия келтириб чиқарадиган касалликларга қарши курашувчи тиббий муассасалар тармоғини яратишни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, янги таҳдидларга қарши курашиш бўйича қўшма чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, ўзаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган ташаббус ва таклифлар долзарблиги билан ажралиб туради.

Тез ўзгарувчан халқаро шароитда ШҲТ дунё ҳамжамиятига глобал ҳамкорликнинг янги форматини намойиш қилмоқда.

**Софи Рошефо Гийё,**
**Париж Сиёсий тадқиқотлар институти профессори:**

— ШҲТ нуфузли минтақавий ташкилот бўлиб, Ўзбекистон ушбу ташкилотда алоҳида мавқега эга.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саммитдаги нутқида илгари сурилган ташаббуслар иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ва ниҳоятда долзарб.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Президенти иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш масалаларини ўртага ташлади. Пандемия шароитида алоқаларни ривожлантириш бўйича ностандарт ёндашувларни ишлаб чиқиш борасидаги таклифи алоҳида эътиборга моликлигини таъкидлашни истардим.

**Иккинчидан,** бугунги эпидемиологик вазият рақамлаштириш жараёнларининг тезлашишини талаб қилмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ШҲТнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуси жуда долзарбдир. Унинг татбиқ этилиши нафақат ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассисларнинг салоҳиятини оширади, балки аҳолини рақамли саводхонлик кўникмаларига ўргатади. Францияда биз бу жараённи “environnement numurique” (рақамли иш муҳити) деб атаймиз. Бу тизим замонавий бизнеснинг муҳим стандарти ва ахборот билан жамоавий ишлаш концепцияси ҳисобланади.

**Учинчидан,** COVID-19 пандемияси шароитида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш учун кучларни бирлаштириш жамият учун ўта муҳимдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг март ойида қабул қилинган иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони мамлакат раҳбариятининг ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришишда қатъий эканидан далолатдир. Қашшоқликка қарши курашиш учун масъул вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарларининг учрашувлари механизмини яратиш бўйича ташаббус мамлакат ичидаги тизимли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши, аҳолининг, биринчи навбатда, минтақаларда истиқомат қилаётган кишиларнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, шу жумладан, қашшоқликни камайтириш, янги ҳамда барқарор иш ўринларини яратишга ҳисса қўшади. Ушбу ташаббуснинг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланиши эса мазкур жараёнлар кўламини янада кенгайтиради.

**«Дунё» АА.**

# СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ БИЛАН ҲАР БИР ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРИШИ МУМКИН

*Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 6 ноябрь куни соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида бирламчи бўғиннинг камида эллик фоиз иши аҳолини тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбияга ўргатиш бўлиши лозимлиги таъкидланди. Ана шу кўникмалар орқали қанчадан-қанча касалликларнинг олдини олиш ҳамда инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин.*

## Акс садо

Ушбу йўналишдаги вазифаларнинг ҳуқуқий асоси сифатида куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган чора-тадбирларнинг аҳамияти ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

**Элмира БОСИТХОНОВА,**
**соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:**

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, ҳар бир фуқарода тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаоллик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаб берган ушбу қарор бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши билан аҳамиятлидир.

Алоҳида-алоҳида ёшга мансуб болаларни, фуқароларимизни халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда текшириш натижасида ўз илмий хулосаларимизни қилдик. Икки ёшгача бўлган болаларда микронутриентлар, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда, шунингдек, 15 ёшгача бўлган ўғил-қизларда анемия бўйича йод етишмовчилиги юзасидан текширувлар ўтказилди. Ушбу текширувлар мазкур қарорнинг нақадар илмий асосланган эканлигини кўрсатади.

Ушбу ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш натижасида юртимизда нотўғри овқатланиш билан боғлиқ касалликларни камайтириш, йод етишмаслиги, камқонлик, болаларда учрайдиган бўй ва вазн билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш, энг асосийси, инсон умрини узайтиришга эришилади.

**Лианн КУППЕНС,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Биз кунлик истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг таркиби ва миқдорига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Масалан, овқат тайёрлаётганда туздан меъёридан ортиқ фойдаланамиз. Ҳозирги кунда бу бир кишига кунлик ўртача 14 граммдан тўғри келмоқда. Бу миқдор Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясидан қарийб уч баробар кўп деганидир. Инсон кунига тахминан 5 граммгача туз истеъмол қилса, бу норма ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистонда болаларни кўкрак сути билан озиқлантириш кенг тарқалган. Бола олти ойликдан ўтгач кейинги ўсиш ва ривожланиши учун қўшимча витамин ҳамда озуқа моддалари талаб этилади. Шу боис биз бу борада ҳам ишлар олиб боришимиз керак.

Бундан ташқари, бугунги кунда ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир қатор масалалар бор. Президент қарорида айни шу масалаларга ечим берилган. Кўзланган мақсадга эришиш Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, озиқ-овқат саноати, умуман, барча масъул ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатига бевосита боғлиқдир.

**Барно ОДИЛОВА,**
**Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори:**

— Қарорда 2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав буғдой уни билан бир қаторда олий нав буғдой уни микронутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилиши белгиланди. Ун маҳсулотларининг микронутриентлар, яъни темир, фолий кислотаси, витамин комплекслари билан бойитилиши ҳисобига аҳоли орасида, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод, ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касалликлари, витамин етишмовчилиги ҳолатларининг олдини оламиз.

Шунингдек, ушбу ҳужжат билан 2022 йил 1 январга қадар патронажнинг универсал-прогрессив модели босқичма-босқич жорий этилмоқда. Мазкур моделнинг аҳамиятли томони шундаки, унда аҳолининг алоҳида эътиборга эга бўлган контингентлари, яъни болалар, ҳомиладорлар, янги туққан аёлларнинг муаммоларини ўрганган ҳолда улар патронажга олинади. Жараёнда ҳомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бор оилалар учун амалдаги штатлар доирасида алоҳида патронаж ҳамширалари бириктирилади. Республикамиздаги барча патронаж ҳамширалари ушбу дастур асосида ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ўқитилади ҳамда уларга махсус қўлланмалар тарқатилади. Уларнинг мазкур қўлланмага таянган ҳолда аҳолига маслаҳатлар бериш тизими ҳам жорий қилинади.

**Мунир МАМЕДЗАДЕ,**
**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар бўйича жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:**

— Болаларнинг ёшлик чоғиданоқ керакли микронутриентлар билан бойитилган таомларни истеъмол қилиши уларнинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан ўсишини таъминлайди. Бунинг иқтисодий тарафдан ҳам самарали эканлиги исботланган. Яъни тадқиқотлар кичик ёшда соғлом овқатланиш учун сарф этилган ҳар бир доллар кейинчалик Давлат бюджетига 4 доллардан 35 долларгача фойда келтиришини кўрсатган. Айни шу жиҳатлар ҳам Ўзбекистон тўғри йўлни танлаганидан далолат беради.

Ишонч билан айта оламанки, болаларга, хусусан, уларнинг икки ёшгача бўлган даврида ҳамда туғуруқ ёшидаги аёлларнинг озиқ-овқатига микронутриентларнинг жорий этилиши айни кунда кузатилаётган кўплаб муаммоларга ечим бўла олади. Бу борада ташкилотимиз Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилаётганидан мамнунмиз.

**«Халқ сўзи».**

# АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЮРТИМИЗГА ТАШРИФИ

**Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдулла бошчилигидаги Афғонистон Ислом Республикаси делегацияси 11 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.**

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Абдулла Абдулла билан учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида турли соҳалардаги кўп қиррали Ўзбекистон – Афғонистон муносабатларининг жорий ҳолати ва алоқаларни янада фаоллаштириш истиқболи муҳокама қилинди.

Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ҳамда минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Транспорт, логистика, энергетика, савдо ва таълим соҳаларида инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш орқали икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда тез орада тинчлик ва барқарорликка эришиш учун мазкур мамлакатни Марказий Осиёдаги интеграция жараёнига жалб қилишни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокараларда икки томон кун тартибининг ўзаро манфаатли бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу куни Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов Афғонистон делегацияси аъзолари билан музокара ўтказди.

Суҳбат чоғида инвестиция, савдо-иқтисодий, транспорт ва логистика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи, шунингдек, ҳудуд доираларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар минтақада барқарор ривожланиш ва иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши муҳимлигини таъкидладилар.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, транспорт-энергетика инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Транс-Афғонистон транспорт йўлагини ривожлантириш ва “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғини ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Бошқа давлатлар бозори учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни назарда тутган ҳолда, икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида саноат кооперацияси ва бизнес алоқаларини чуқурлаштириш масаласи ҳам диққат марказида бўлди.

Афғон томони Ўзбекистон билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик даражасини, хусусан, Афғонистон фуқаролари мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқитилаётганини юқори баҳолади.

Учрашув якуни бўйича иккала мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва минтақавий аҳамиятга эга қўшма лойиҳаларни тарғиб қилиш бўйича яқин ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган ҳамкорлик доирасидаги келгуси режалар белгилаб олинди.

Меҳмонлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти билан ҳам учрашди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

# ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг видеоконференцалоқа тарзидаги йиғилиши бўлиб ўтди. У айни пайтда иккинчи ўқишга тайёрланаётган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.*

Депутатлар, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги координатори, ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси маслаҳатчилари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда ушбу қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек, динлараро ҳамда миллатлараро тотувликни сақлашга қаратилган.

Қонун лойиҳаси парламент қуйи палатасига келиб тушгач, унинг матни бир ой мобайнида Қонунчилик палатасининг веб-сайтида рус ва ўзбек тилларида жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Фуқаролар ҳамда диний ташкилот вакилларидан 500 дан зиёд таклифлар келиб тушган ва уларнинг аксариятида янги таҳрирдаги қонун лойиҳасидаги ўзгаришлар маъқулланган.

Шу билан бирга, қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан тегишли изоҳ ҳамда таклифлар берилган. Унинг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, халқаро экспертлар ва диний ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ёшлар, аёллар ҳамда таълим муассасалари вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу тадбирларда мингдан зиёд мамлакат фуқаролари иштирок этиб, ўз таклифларини билдирди.

Тадбирда қонун лойиҳасини маромига етказиш, пишиқ-пухта тайёрлаш жараёнида нафақат мамлакат фуқаролари, балки халқаро экспертларнинг ўрганишлари ва таклифлари ҳам инобатга олингани қайд этилди.

Муҳокамаларда иккинчи ўқиш жараёнидаги ҳамкорликда амалга оширилган ишлар, таклифларнинг қонун лойиҳасида акс эттирилиши юзасидан фикр алмашилди. Халқаро ташкилотларнинг муносабати бўйича якуний хулосага келиниб, қўмита қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ТИЗИМ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛАДИ

*Миллий гидрометеорология хизмати мамлакатимиз ҳаётида, хусусан, халқ хўжалигида, аҳоли хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бутун дунёда бўлгани каби, юртимизда ҳам миллий гидрометеорология хизмати об-ҳаво ҳодисаларининг салбий таъсирини олдиндан прогноз қилиш ҳақида огоҳлантиришлар тузиш учун масъул ҳисобланади. Бинобарин, миллий метеорология хизматининг экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти катта. У ёки бу об-ҳаво ёхуд иқлимий ҳодисанинг эҳтимоли ҳамда кучи ҳақида ишончли маълумотлар билан таъминлаш орқали бу хизмат иқтисодий талафотни камайтириш ва қурбонлар бўлишининг олдини олишга кўмаклашиши мумкин.*

## Муносабат



Гидрометхизматларга етарли даражада маблағ ажратиладиган, хусусий гидрометхизматлар бозорини рағбатлантирадиган, бу борадаги илмий изланишлар ҳамда ишланмаларга маблағ киритаётган давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, улар об-ҳаво билан боғлиқ хатарларга тезроқ жавоб қайтариб, эртароқ босқичда мақбул қарорлар қабул қилишга қодир бўлади ва шу тариқа экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг аҳоли ҳаёти ҳамда мамлакат иқтисодиётига таъсирини чеклай олади.

Шу билан бирга, кўпгина мамлакатлар учун ишончли замонавий гидрометхизматлар тақдим этилиши ҳали-ҳануз муаммо ҳисобланадики, уларни ҳал қилишга катта инвестициялар ва саъй-ҳаракатлар талаб этилади.

Жорий йилнинг 3 ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда гидрометеорология хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам соҳага оид устувор вазифалар белгиланди.

Унда таъкидланганидек, гидрометеорология хизмати қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, экология каби бир қанча соҳалар учун жуда муҳим. Аммо йиллар давомида тармоққа эътибор берилмагани оқибатида Ўзбекистонда бу йўналиш замондан орқада қолиб кетган. Хусусан, аэрологик кузатувлар 1995 йилдан буён ўтказилмагани ачинарлидир. Бу эса об-ҳаво ҳақидаги маълумотларнинг ишончлилигини пасайтиради. Халқаро стандарт бўйича қаралса, юртимиз ҳудудида 4 мингта станция бўлиши зарур, амалда эса 335 та бор холос.

Шуниси эътиборлики, замонавий метеорология хизмати фаолияти ернинг сунъий йўлдошларидан олинаётган маълумотларга техник ишлов бериш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш билан боғлиқ. Бу эса ўз-ўзидан кадрлар масаласини кўндаланг қўяди. Уларнинг бир маромдаги ишини таъминлаш учун аввало, моддий рағбат керак. Шу жиҳатдан, йиғилишда соҳа ходимларининг ойлик маошини ошириш ҳамда узоқ муддатли хизмат учун устама тўлаш тизимини жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Соҳада илмфанни ривожлантириш ва кадрлар салоҳиятини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университетида гидрометеорология факультетини ташкил этиш, Тошкент гидрометеорология техникумида замонавий ўрта бўғин мутахассислари тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш зарурлиги ҳам айтилди.

Об-ҳаво — бу инсон ўзига бўйсундиролмайдиган омил. Циклонлар ва ҳаво массалари сайёрамиз бўйлаб чегара билмай ҳаракатланади. Шу боис бир мамлакатнинг, ҳаттоки энг замонавий метеохизмати ҳам бошқа мамлакатлар метеохизматларисиз аниқ башорат туза олмайди.

Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб минглаб станциялар жойлашган бўлиб, уларда ҳар куни об-ҳаво кузатувлари олиб борилади. Шар-зондлар ва ернинг сунъий йўлдошлари атмосфера юқори қатламлари ҳолати ҳақида маълумотлар йиғишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, ҳаво массаларининг ҳаракатланишини билиш ҳамда уларнинг тезлигини ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Демак, мамлакатимиз миллий метеорология хизматининг халқаро майдондаги ҳамкорлигини кучайтириш — уни такомиллаштириш йўлидаги муҳим вазифа. Шу жиҳатдан, “Ўзгидромет” Жаҳон метеорология ташкилотининг минтақавий маркази ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари бу мақомни сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлаб, 2022 йилда Самарқандда захира маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича минтақавий хаб ташкил қилишга кўрсатма берди.

Тизимда хизмат сифатини ошириш — Президентимиз томонидан алоҳида урғу берилган яна бир масала. Бунинг асосий воситаси эса соҳада хизмат кўрсатишни босқичма-босқич тижоратлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда метеорологик маълумотлар 35 та идорага, жумладан, 20 га яқин тижорат ташкилотларига бепул берилмоқда. Хизмат нархлари харажатга нисбатан кам бўлиб, 15 йилдан буён кўриб чиқилмаганлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Бу борада фойдаланилмаётган имкониятларнинг ишга солиниши, аввало, “Ўзгидромет”нинг ўз харажатларини ўзи қоплашига хизмат қилади. Қолаверса, қўшимча даромадларнинг пайдо бўлиши соҳа моддий-техника базасини янгилаш ва кадрларни рағбатлантирган ҳолда уларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари:

# ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ОДИМЛАР

1

Қурултой делегатлари Президентимиз табригини жуда катта тарихий воқеа сифатида зўр қувонч ва ҳаяжон билан қарши олдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг "Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари: Федерациянинг 2016 — 2020 йиллардаги фаолияти ва миллий тараққиётнинг замонавий босқичида касаба уюшмаларининг устувор вазифалари тўғрисида"ги маърузаси иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Унда охирги 4 йилда давлатимиз раҳбари бошчилигида барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, инсон манфаатларини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида халқимиз турмуш даражасини ошириш, одамлар эртага эмас, бугун яхши яшашини ва фаровонлигини таъминлаш каби эзгу мақсадлар мужассам экани алоҳида айтиб ўтилди.

— 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида унутилмас ва зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган кун бўлди десам, айни ҳақиқатдир, — деди Қ. Рафиқов. — Бугун мустақил давлатимиз тарихида илк бор мамлакат Президенти касаба уюшмалари қурултойи қатнашчиларига ўз табригини йўллади. Ҳаммамиз катта мамнуният, кўтаринки руҳ ва зўр қизиқиш билан тинглаган, Юртбошимизнинг самимий ҳамда илиқ, ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини Ватан равнақи ва тараққиёти учун сафарбарликка ундовчи сўзлари барчамизнинг қалбимизда бир умр муҳрланиб қолади. 11 ноябрь кунини "Касаба уюшмалари куни" этиб белгилаш таклиф этилгани эса беш ярим миллиондан зиёд касаба уюшма аъзолари учун унутилмас воқеа бўлди. Бу давлатимиз раҳбарининг бизга бўлган ишончини билдиради. Бизнинг фаолиятимиз ана шу ишончни оқлашга йўналтирилган.

Таъкидлаш жоиз, қурултой жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанс даврига шаҳдам ва дадил қадам қўяётганини, "Янги Ўзбекистон" деб эътироф этаётган ғоят муҳим бир даврда ўтмоқда. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугун халқимизнинг бунёдкорлик руҳи ва яратувчанлик кайфияти, дунёқараши ҳам кечагидан бутунлай фарқ қилади. Мухтасар айтганда, дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали вазиятда Ўзбекистонда шаклланган янги тизим — халқимизни бахтли қилиш тизими ўзини тўла оқламоқда.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари шаклланди, дейишга барча асослар етарли. Жумладан, касаба уюшмалари фаолиятига доир ҳуқуқий асос такомиллаштирилди. Ҳисобот даврида касаба уюшмаларининг янги ҳуқуқий асослари жадал ривожланди. 2019 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонуннинг имзоланиши касаба уюшмалари ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси иштирокида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг 4 та конвенцияси ва 1 та протоколи ратификация қилинди. 2016 — 2020 йилларда Федерация томонидан 2 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига таклифлар берилди. Жумладан, ушбу жамоат тузилмаси иштирокида илк бор иш ҳақи учун минтақавий ҳамда тармоқ коэффициентлари, шунингдек, иқлим ва яшаш шароитлари оғир ҳамда ноқулай бўлган ҳудудларда ишлаш учун ходимларга қўшимча таътилнинг минимал давомийлиги тасдиқланди, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бартараф этилди ҳамда касаба уюшма инспекциялари қайта тикланди.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий келишув, республика миқёсида 107 та тармоқ келишуви, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 111,5 минг жамоа шартномаси мавжуд. Муҳими, 2016 — 2020 йиллар давомида амалдаги тармоқ келишувлари сони 95 тадан 107 тагача ўсди. Тармоқлар бўйича энг кам ва ўртача иш ҳақи, устамалар, компенсация тарзидаги ҳамда рағбатлантирувчи тўловлар турлари ва уларнинг энг кам миқдори, тармоқ тариф сеткалари, йиллик асосий ҳамда қўшимча таътилнинг энг кам муддати каби кўрсаткичлар белгиланди. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракатлари билан келишувларда ижтимоий кафолат, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, хусусан, болаларини соғломлаштириш масалалари ҳам ўз ифодасини топди. Аксарият тармоқларда уч ёшга тўлмаган фарзанди бор аёллар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланди. Амалдаги тармоқ келишувларининг 78 тасида қўшимча таътил ўрнатилишига эришилди.

Корхона, ташкилот ва муассасалар миқёсидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш бўйича ҳам тизимли ишлар бажарилди. Натижада жамоа шартномаларини тузган юридик шахслар улуши 2016 йилдаги 95,1 фоиздан 2020 йилга келиб 99,6 фоизгача кўтарилди. Бугун жамоа шартномалари орқали республика бўйича ишлаётган касаба уюшма аъзоларининг 55 фоизи асосий узайтирилган, 51 фоизи эса қўшимча таътиллардан фойдаланмоқда. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун республика бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ миқдори 2016 йилдаги 1 миллион 539 минг сўмдан 2019 йил якунига келиб 5 миллион 100 минг сўмга етди.

Жамоа-шартномавий муносабатлар воситасида юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш мақсадида барча жамоа келишуви ҳамда шартномаларида аёллар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олаётган ходимлар учун қўшимча имтиёзлар белгилангани ҳам эътиборга лойиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларида комплекс минтақавий келишувлар тузилгани бу борадаги ютуқлардан яна биридир. Уларда ҳудуднинг ҳар бир тумани ҳамда шаҳри бўйича аҳолининг муҳтож қатламларини манзилли ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий инфратузилма объектларини ишга тушириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида аниқ чоралар белгиланди.

Тадбирда касаба уюшмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлашда давлат органлари билан ижтимоий шериклик янада фаоллашгани айтилди. Масалан, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бевосита оилалар билан мулоқот олиб бориш, оилаларнинг муаммоларини аниқлаш, оилаларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштириш, камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Натижада эса касаба уюшмалари томонидан бир қатор ҳудудларда 2 миллиондан зиёд оилаларнинг турмуш шароити атрофлича ўрганилиб, уларнинг 556,5 мингдан зиёд муаммоларига ечим топилди. Айни чоғда хотин-қизлар муаммоларига эътиборни кучайтириш, улар бандлиги ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мақсадида шу йил 7 мартда ишга туширилган "12-11" қисқа рақамли "Ишонч телефони"га келиб тушган 50 мингдан ортиқ мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинди.



Меҳнатни муҳофаза этиш ва хавфсизлик, қулай меҳнат шароитини яратиш масаласи бўйича 16 мингга яқин бошланғич ташкилотлар фаолияти ўрганилиб, 61 мингдан зиёд камчиликлар аниқланди, иш берувчиларга салкам 10 мингга яқин тақдимномалар киритилди, уларнинг 92 фоизида йўл қўйилган хато ва камчиликлар бартараф этилди.

Ҳисобот даврида ишчи-хизматчилар ва улар оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш ҳамда янги ижтимоий объектларни қуриш, моддий-техника негизини мустаҳкамлаш йўналишларида ҳам тизимли ишлар олиб борилди. Хусусан, "Янгиер", "Кўҳинур", "Хўжаи Пок", "Чинобод Плаза", "Ибн Сино", "Термиз Марвариди" санаторийлари қурилди, 5 та санаторийда замонавий қўшимча бинолар барпо этилди. Натижада санаторийлардаги мавжуд ўринлар сони 1 минг 300 тага ортди.

2016 — 2020 йилларда Федерация тизимидаги санаторий ва дам олиш уйларида 600 мингдан зиёд фуқаролар соғломлаштирилгани, улардан 44 фоизи имтиёзли йўлланма орқали соғлигини тиклаганга эътиборга молик.

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида "Оқ кема", Жиззах вилоятида "Зомин", Тошкент вилоятида "Анор", Қашқадарё вилоятида "Зиёё чашмалари" замонавий болалар оромгоҳлари қурилди ва мавжуд ўринлар сони мингтадан зиёдга ошди. Натижада ҳар йили бундай оромгоҳларда 350 минг нафар боланинг дам олиши таъминланмоқда.

Шу ўринда айтиш жоиз, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Ушбу ташкилот бош директори Гай Райдер 2018 йил декабрда юртимизга ташрифи чоғида касаба уюшма фаоллари билан учрашиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг мамлакат ҳаётидаги ўрнини юқори баҳолагани ҳамда ушбу тузилманинг ижтимоий мулоқот соҳасидаги тажрибасини Марказий Осиё давлатларидаги касаба уюшмалари марказлари фаолиятига татбиқ этишни тавсия қилгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Бу даврда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро касаба уюшмалари конфедерациясининг кузатувчи мақомидаги аъзоси бўлди ҳамда Касаба уюшмалари умумконфедерациясининг аъзолигини тиклади ва унинг коллегиал органларида фаол иштирок этмоқда. Қолаверса, 10 дан зиёд давлатларнинг миллий касаба уюшма марказлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилди.

Қурултойда ҳисобот даврида қўлга киритилган ана шу ютуқлар билан бир қаторда, ҳали қилиниши зарур бўлган долзарб вазифалар борлиги ҳам айтилди. Хусусан, тармоқ касаба уюшмалари республика кенгашларининг норма ижодкорлиги доир фаолиятини кучайтириш, халқ билан мулоқотни янада жонлантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларни такомиллаштириш зарурлигига урғу берилди.

Анжуманда, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясининг 2016 — 2020 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди.

Шундан сўнг қурултойга бир қатор халқаро ташкилотлар ва касаба уюшмалари Федерациялари раҳбарлари, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби Шаран Барроу, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев, Касаба уюшмалари умумконфедерацияси бош котиби Владимир Шчербаков, Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси Михаил Шмаков, Қозоғистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин томонидан йўлланган видеотабриклар эшитилди.

Қурултойда сўзга чиққан делегатлар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли, деб топиш таклифини киритди. Бу таклиф делегатлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра кун тартибидаги биринчи масала бўйича қурултой қарори қабул қилинди.

Сўзга чиққан делегатлар томонидан Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш таклифи киритилди ва ушбу таклиф делегатлар томонидан тасдиқланди.

Қурултойда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлари, Федерациянинг янги таҳрирдаги Устави, Назорат-тафтиш комиссиясининг янги таҳрирдаги Низоми бир овоздан тасдиқланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациянинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишларида янги Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифалари белгилаб берилган. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашиш, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ вазифалар, касаба уюшмалари ҳамда меҳнат бозори, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ишларини ташкил этиш, норматив негизини мустаҳкамлаш, касаба уюшмалари инспекцияларининг жамоатчилик назорати бўйича асосий вазифалари, камбағалликни камайтиришга муносиб ҳисса қўшиш, аҳоли, айниқса, аёллар ҳамда ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ходимлар маънавиятини юксалтириш, уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ҳамда бошқалар шулар жумласидандир.

Қурултойда, шунингдек, ташкилий масалалар — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раисини сайлаш, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашини, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссиясини, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси раисини сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қудратилла Мирсоатович Рафиқов бир овоздан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси этиб сайланди.

Тадбирда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси VIII қурултойи делегатларининг мамлакатимиз халқи, ишчи-меҳнаткашлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ва ижтимоий шерикларга Мурожаати қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## СЎЗ — ҚУРУЛТОЙ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Гай РАЙДЕР,**
**Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори:**



— Айтиш жоиз, қурултой мисли кўрилмаган бир шароитда ўтмоқда. Пандемия ишимиз ва ҳаётимизга катта зарар етказди. Дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳамда меҳнат бозорида жиддий талафотларга дуч келмоқда. Шундай бўлишига қарамай, Ўзбекистон Президентининг оқилона сиёсати туфайли, сиз, ўз фаолиятингизни изчил давом эттирмоқдасиз. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам буни маъқуллайди.

Инқирознинг олдини олиш ва иқтисодиётни тиклаш бўйича бир қатор техник ҳамда сиёсий воситалар орқали кўмак бера олганимиздан фахрланаман. Хусусан, биз Ўзбекистонда меҳнат инспекциясини кучайтириш бўйича биргаликда ишладик.

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахта йиғим-терими соҳасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ҳамкорлигимизни яна бир мисол сифатида келтириш мумкин. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия тузишда ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини илгари суришда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси роли салмоқли эканлигини таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун ўзбек халқига сўнгги бир неча йил ичида Ўзбекистонда рўй берган жадал ислоҳотларда муҳим роль ўйнагани учун миннатдорлик билдирмоқчиман.

Юртингизнинг халқаро касаба уюшмалари ҳаракатига интеграциялашув жараёнидаги фаол саъй-ҳаракатларини ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

**Шаран БАРРОУ,**
**Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси бош котиби:**

— Олдинги қурултойдан буён ўтган даврда эришган ютуқларингизда, албатта, барчангизнинг ҳиссангиз борлигини таъкидламоқчиман. Яъни 87-конвенцияга асосланиб бирлашиш эркинлиги бўйича самарали ишлар олиб борилди, қонун устуворлиги учун асос яратилди, яна бошқа конвенциялар ратификация қилинди. Ўтган йили қабул қилинган "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонун мамлакатда ушбу йўналишни янада ривожлантиришга бўлган хоҳиш ва интилиш юқорилигидан дарак бериб турибди.

Яна бизга шу ҳам маълумки, мамлакатда одамлар муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бу каби саъй-ҳаракатларнинг барчаси бир-бирига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Биз янги ижтимоий шартномани тузишни, шунингдек, меҳнаткашларга иш ўринлари, яъни тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан кам бўлмаган меҳнат ҳақи тўланадиган иш ўринлари, иқлимга мос иш жойлари бўлишини истаймиз. Шу билан биргаликда, биз барча ходимлар учун ижтимоий ҳимоя ва ҳуқуқлар татбиқ этилишини хоҳлаймиз. Яна биз жамиятда ҳақиқатан ҳам аёлларнинг иштирокини кўриш тарафдоримиз. Бу борада мамлакатда бошланган ишлар аллақачон самара бера бошлаганидан хурсандмиз.



Яна бир бор барчангизни бугунги қурултой билан қутлар эканман, янгидан-янги муваффақиятлар тилаб қоламан.



**Сергей ЛЕБЕДЕВ,**
**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси:**

— Жорий 2020 йилда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига раислик қилмоқда. МДҲнинг барча иштирокчи давлатлари Ўзбекистон раҳбарияти, шахсан Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ва оқилона сиёсатини эътироф этмоқда. Афсуски, пандемия бизнинг ҳамкорликдаги бир қанча режаларимизга ўз таъсирини кўрсатди. Мулоқотларни видеоконференцалоқа тарзида ташкил этишга мажбур бўляпмиз. Шундай бўлса-да, Ўзбекистоннинг бу борадаги фаол позицияси ва барқарор саъй-ҳаракатларининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Айниқса, ўзбекистонлик дўстларимизнинг ходимлар ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш йўлида олиб бораётган сиёсати эътирофга лойиқ. Касаба уюшмалари ҳар доим ва ҳамма вақт меҳнаткашлар дарду ташвишларини аритиш учун иш олиб борган. Бугунги пандемия шароити ҳам ижтимоий меҳнат муносабатларини янада яхшилаш, иш берувчилар ҳамда ходимлар ўртасидаги мулоқотни кучайтиришни тақозо қилмоқда.

Мамлакатда сўнгги йилларда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик сифат жиҳатидан тобора ривожланиб бораётир. Буларнинг барчаси ишчи ходимларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қиляпти. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, ижтимоий соҳага оид ислоҳотлар сабаб мамлакатда касаба уюшмаларининг янги мақоми ва ўрни шаклланди. Касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатда фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда муҳим ижтимоий ҳамкорга айланди.

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИНГ МЕРОСИНИ ЯНАДА ЧУҚУР ЎРГАНИШ, УЛАР ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

**Ҳурматли ватандошлар!**

Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда ушбу йўналишда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Юртимизда **2001 йилдан буён ҳар йили 31 август** — **"Қатағон қурбонларини ёд этиш куни"** сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. **"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси** барпо этилди. **"Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди**, **Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи** ҳамда ҳудудлардаги олий таълим муассасалари қошида унинг бўлимлари ташкил этилди.

**Маҳмудхўжа Беҳбудий**, **Абдулла Авлоний**, **Исҳоқхон Ибрат**, **Абдурауф Фитрат**, **Абдулҳамид Чўлпон**, **Абдулла Қодирий** каби улуғ маърифатпарвар аждодларимиз хотирасига бағишланган муҳташам ҳайкаллар, музейлар бунёд этилди, ижод мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Сиёсий қатағон йилларида ноҳақ қурбон бўлган юртдошларимизнинг номларини аниқлаш, уларнинг қолдирган меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари, бадиий ва ҳужжатли асарлар яратилмоқда.

Дунёда глобал хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳамда миллий ўзликни англаш ва ҳақиқий тарихимизни тиклаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этаётган бугунги даврда мустабид тузум томонидан шафқатсиз қатағон қилинган давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларининг, оддий касб эгаси бўлган минглаб юртдошларимизнинг номлари ва хотираларини абадийлаштириш, уларнинг жасорати ва матонати мисолида ёш авлодимизни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги тарихий маълумотларни холис ва ҳаққоний ўрганиш мамлакатимиз мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли курашлар билан қўлга киритилганини, бугунги эркин, озод ва обод ҳаётимизни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш кераклигини янада чуқур англашга хизмат қилади.

Кўп миллатли халқимизнинг фидойи фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳақиқатни тўла юзага чиқариш, уларга нисбатан тарихий адолатни тиклаш, бу борадаги ишларнинг кўлами ва самарасини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари яна бир хайрли ва савобли ишга қўл урдилар.

Президентимизнинг фармойиши билан мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи кишилар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилди. Фармойишда ишчи гуруҳ ўз фаолиятини кенг жамоатчилик ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозимлиги алоҳида уқтирилган.

**Мана шу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, азиз юртдошлар, сизларга мурожаат қиламиз**:

— оилангизда, маҳаллангизда, қишлоқ ёхуд туманингизда, шаҳрингизда яшаган, қатағон қурбони бўлган кишилар ҳаёти ва фаолиятига дахлдор ҳужжатлар, улар билан боғлиқ буюмлар, яқин кишиларингиздан эшитган хотираларингиз бўлса,

— фуқаролар уруши, коллективлаштириш даври, шахсга сиғиниш йиллари ўз она юртидан қувғин қилинган, яқин ва узоқ хорижда яшашга маҳкум бўлган қариндош-уруғларингиз тўғрисида маълумотлар бўлса,

— "ўзбеклар иши", "пахта иши" деган ноҳақ айбловлар жараёнида судланган, жабр кўрган ва қурбон бўлган яқинларингиз ҳақидаги материаллар бўлса,

барча тафсилотлари, ҳужжат намуналари, исми-шарифи ва манзиллари аниқ ва холис ёритилган ҳолда мактуб ва бошқа жўнатмалар шаклида ёхуд шахсий мурожаат йўли билан ишчи гуруҳ, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди идораси, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда унинг ҳудудлардаги олий таълим муассасаларидаги бўлимларига йўллашингизни илтимос қиламиз.

Халқ ва Ватан ҳуррияти, мустақиллик ва адолат тантанаси йўлида азиз жонларини фидо қилган ҳар бир ватандошимизнинг исми-шарифини тиклаш ва хотирасини абадийлаштиришдай масъулиятли ва савобли иш барчамизнинг сиёсий ва фуқаролик бурчимиздир.

**Республика ишчи гуруҳининг манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 69-уй,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи.
Электрон манзил:
info@muzey-xotira.uz.

# «ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ КАТТА

*"Яширин иқтисодиёт" мамлакат иқтисодиётига жиддий зиён етказиши билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги мувозанатнинг издан чиқишига ва ҳалол рақобат муҳитининг йўқолишига салбий таъсир ўтказади. Иқтисодиётдаги яширин айланманинг авж олиши бутун дунё иқтисодчи ва экспертларини ташвишга солмоқда. Бундан нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки ривожланган давлатлар ҳам катта зарар кўряпти.*

## Нуқтаи назар

Мамлакатимизда "яширин иқтисодиёт" мавжуд ва уни қисқартириш борасида катта саъй-ҳаракатлар бошланган. Хусусан, яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон юртимизда пул-кредит, валюта, солиқ ҳамда ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишда ва инвестиция муҳитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Тан олиш керак, мамлакатимизда "яширин иқтисодиёт"нинг вужудга келиши солиқ юкининг юқорилиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу, албатта, тадбиркорларнинг ўз даромадлари ва ишчи ўринларини солиқдан яширишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу ҳолат виждонли тадбиркорларнинг манфаатларига ҳам жиддий путур етказяпти. Фармон ана шу муаммоларни бартараф этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хусусан, ҳужжатда қурилиш ташкилотларига иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилгани фикримизга яққол далил бўла олади. Бунда улар ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб бориши белгиланган. Давлат солиқ хизматлари органлари эса қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқ ҳисобга олинишини таъминлайди.

Бу нимадан далолат беради? Бу, аввало, солиқ тўламасдан қурилиш ташкилотларида ёлланма ишчи сифатида яширин тарзда ишлаб юрган кишиларнинг сони ва олган маоши солиқ хизмати органларида қайд этилишига олиб келади.

Бунинг яна бир муҳим жиҳати ҳам бор. Шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахслар иш жараёнида бахтсиз ҳодисага учраган тақдирда уларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ қилиниши ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этишда, уларга қулай иш шароитлари яратишда ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг мутасадди раҳбарлари, солиқ хизмати ва бошқа тегишли назорат органлари кўмакдош бўлмас экан, "яширин иқтисодиёт"ни пасайтириш анчайин қийин кечиши муқаррар. Шу боис Фармонда "яширин иқтисодиёт"ни қисқартириш бўйича махсус комиссия ва жойларда ҳудудий комиссия иш фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда улар томонидан текширувларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш масалалари белгилаб қўйилгани, айниқса, эътиборга молик.

Албатта, "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга кенг жамоатчилик, депутатлар ва барча соҳа вакиллари ҳисса қўшиши лозим. Чунки "яширин иқтисодиёт" қанча пасайса, мамлакатимиз иқтисодиёти шунча барқарорлашади. Юртимизнинг гуллаб-яшнаши, биз қураётган "Янги Ўзбекистон" сари дадил қадам ташлашимизга асос бўлади.

**Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИ — ИНСОНПАРВАРЛИК ДАРСИ



*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ушбу хиёбонни бутун халқимиз, айниқса, ёшлар учун том маънода адабиёт, маънавият ва тарбия масканига айлантириш лозимлигини таъкидлади. Бу ерда ҳайкали ўрнатилган ҳар бир адиб ижодини чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш пойтахтимиздаги олий таълим муассасалари зиммасига юкланди.*

## Маънавият

Не бахтки, бу таклиф доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилганда, ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасида тизимли ишларни амалга оширишга Тошкент давлат юридик университети масъул этиб белгиланди.

Хўш, юридик университет жамоасига нега айнан Ғафур Ғулом ижодини пухта ўрганиш ва тарғиб этиш вазифаси юклатилди? Бу саволга шоир асарларини мутолаа қилиб, аниқ жавоб топишимиз мумкин.

Ғафур Ғулом — XX аср ўзбек адабиётининг энг машҳур адибларидан бири, айтиш мумкинки, унинг шеърияти ва насрида ўзбек халқининг долғали даври тарихи ўзининг бадиий аксини топган.

Ғафур Ғулом меросига теран назар ташласак, унинг шеърий, насрий, илмий ва публицистик асарларида акс этган шахснинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, Шарқ аёлларининг озодлиги, миллатнинг ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаши хусусидаги ўлмас ғоялар ва даъватлар жон томирда оққан қондек кўриниб, сезилиб туради. Бу хусусда ижодкорнинг айрим шеърий асарларини, уларда акс этган инсон ҳуқуқларига оид ўлмас сатрларни эслаш кифоядир.

Баъзида бадиий адабиёт билан техника фанлари, кимё-биология, физика қанчалик узвий алоқада эканлигини англай олмаётганлар учраши табиий, албатта. Аслида давлатимиз раҳбарининг қайси йўналишдаги таълим муассасаси бўлмасин, у ерда билим олаётган ёшларни адабиётга ошно тутиш борасидаги саъй-ҳаракатларидан мақсад ҳам шуки, инсоншуносликни чуқур ўрганган мутахассис эртага қайси йўналиш ва лавозимда фаолият юритмасин, аввало, башарият учун, унинг келажаги учун хизмат қилади.

Масалан, шоирнинг “Сен етим эмассан” шеъри орқали биографиясини ўрганиш ва яна кўплаб ижод намуналари хусусида ҳам айни шу фикрларни айтиш мумкин. Болалиги кўплаб азоб-уқубатларда ўсган шоир бу шеър орқали етимликнинг машаққатидан нолиш эмас, ҳар бир кун учун шукрона қилиш лозимлигини уқтиради.

Ғафур Ғулом ижодида катта-кичик асарлар кўп учрайди, аммо унинг “Вақт” шеъри каби инсонни фалсафий мушоҳадага ундовчи асарлари ўқувчи диққат-эътиборини кўпроқ ўзига чорлайди.

*Азиз асримизнинг азиз онлари,*
*Азиз одамлардан сўрайди қадрин.*
*Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрлар-ла,*
*Безамоқ чоғидир умр дафтарин.*

Шоир биргина “Вақт” шеърининг шугина мисралари билан ҳам умр дафтарини безаб қўйган ижодкорлардан десак, янглишмаймиз. Умр аслида оқар сув, аммо гоҳида биз бунга эътибор қаратмаймиз, шоир ана шу югурик вақтнинг ҳар бир онини гўзал амаллар, яхшиликлар билан безашга ўқувчини даъват қиладики, замон ва маконлар оша унинг фикрлари эскирмайди.

Аминмизки, Ғафур Ғулом вафо ва садоқат бобида тенги йўқ инсон бўлган. Ва ўз садоқатини шеърларида ҳам ифодалаган. Шоир архивини ўрганар эканмиз, турмуш ўртоғи Муҳаррам аяга ёзган мактубларига кўзимиз тушди.

...1940 йил, июнь. Ғафур Ғуломнинг Тбилисидан рафиқасига ёзган мактуби: “Ҳамма гуноҳни қилганман, Муҳаррамхон, бир гуноҳни қилмадим, холос, биласизми нимани? Сизга бўлган муҳаббатимдан тонмадим. Севиб яшайман, севиб яшанг”. Бу қисқа жумлаларда, нафақат шоирнинг аёлига муҳаббати, балки унинг тўғрисўзлиги, очиққўнгиллиги, садоқати акс этиб турибди.

Шоир ижодидан англашиладики, у Ватанга бўлган муҳаббатини оила, фарзандларига бўлган муҳаббат билан уйғун ҳолда кўради. Шеърларининг ҳар бир сатрида буни англаш қийин эмас:

*Ҳар болам уфурган нафасим атри,*
*Шеъримнинг энг етук, энг яхши сатри.*

Бу мисралар орқали фарзандларига бўлган меҳр тимсолида, ҳаётга, яшамоқ завқига тўла қалбни кўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, одам боласининг ИНСОН бўлиб шаклланишида, унинг қалбида покиза имон ва эътиқод, инсонпарварлик, юртсеварлик, адолат, шафқат ҳамда муҳаббат, ўзгалар дарди билан яшаш сингари эзгу тушунча ва туйғулар барқ уришида адабиётнинг — бу нафис санъатнинг ўрни ҳамда аҳамияти беқиёс. Шоир ижодида ана шу хислатлар жамланганлиги билан ўзига хосдир.

Адиблар хиёбонида ижодкорнинг ўлмас сиймосига ғурур ила боқарканман,

*Рост, “азиз асримизнинг азиз онлари” келди,*
*“Тонг яқин” деган эди, оппоқ тонглари келди,*
*Янграб янги даврнинг даъват-бонглари энди,*
*Ғафур Ғулом сиймоси ғурур берар дилларга,*
дея пичирлайман.

Дарҳақиқат, бугун шундай онлар келдики, шоир айтганидек, умр дафтарини безайдиган лаҳзаларнинг гувоҳи бўлдик. Тошкент давлат юридик университети томонидан Ғафур Ғулом кўкрак нишонининг таъсис этилиши ва бу нишоннинг илк соҳиби шоирнинг қизи Олмосхоним бўлиши асримизнинг азиз онларини безайдиган лаҳзалардан биридир.

Комил ишонч билан шуни айта оламизки, шоир ижодини ўрганиш, унинг рангин олами қат-қатларида яширин сирларини кашф этиш сари бошланган қадамлар, албатта, қутлуғ бўлади.

**Ўткирбек МУҲАМЕДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**юридик фанлар доктори, профессор.**

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

*Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида малака ошириш тизимида инновацион ғояларнинг амалдаги татбиғига бағишланган халқаро илмий-амалий онлайн конференция ўтказилди.*

## Конференция

Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар — GIZ, DVV, UNICEF, UNESCOнинг етакчи мутахассислари ҳамда Россия халқлар дўстлиги университети, Беларуснинг Профессионал таълим республика институти вакиллари қатнашди.

— Соҳани ривожлантиришда, янги техника-технологияларни жорий этишда кадрлар масаласи, айниқса, муҳим, — дейди Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири



Иномжон Мажидов. — Кадрлар яхши тайёрланмас экан, замонавий техника-технологиялардан самарали фойдаланишга эришиб бўлмайди. Янги дастур, янги мазмун, янги адабиётлар яратиш керак бўлган тизимда бизга малакали педагоглар зарур. Шундагина ўзимиз хоҳлагандек таълим муассасаларини ташкил қила оламиз.

UNICEF таълим департаменти раҳбари Дипа Шанкарнинг таъкидлашича, таълим сифатига малакали ўқитувчиларсиз эришиб бўлмайди. Болаларнинг ўзлаштириш даражасига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ўқитувчилар билими, савиясини ошириш ҳисобланади. Ҳозирги кунда UNICEF ташкилоти Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда таълим дастурини қайта ишлаш, такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда. Бунда ҳозиргача контент (таркибий қисм)га аҳамият берилган услубдан кўра компетенциявий ёндашув асосидаги ўқув дастурига эътибор қаратилмоқда.

Ўқитувчилар учун стажировкалар ташкил этиш, уларни ривожланган давлатлардаги етакчи ўқув юртларида ўтказишни таъминлаш масалалари ҳам анжуман қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Профессионал таълим тизимида уста-мутахассисларни тайёрлаш, бу борада буюртмачилар, меҳнат бозори талабларини қондириш, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Профессионал таълим дастурлари ҳамда ўқитиш материаллари тўпламларини меҳнат бозори талаблари, профессионал стандартлар асосида иш берувчилар билан биргаликда ишлаб чиқиш ва тизимли равишда такомиллаштириш, касб-ҳунар мактабларининг ҳудудлар бўйича жойлашуви ҳамда тайёрланаётган ишчи касбидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш учун иш берувчиларга бевосита бириктириш масаласи кўриляпти, — дейди Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти раҳбари Зайниддин Худойбердиев. — Профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг методик таъминотини мустаҳкамлаш, уларни янги таълим ресурслари билан таъминлаш борасида имконият берадиган алоҳида электрон платформани ишлаб чиқиш ва таълим дастурлари, ўқитиш материаллари ҳамда услубий қўлланмалардан масофавий таълимда фойдаланиш имкониятларини яратиш вазифаси ҳам қўйилган.

Конференцияда замон талаблари асосида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, IT ва инновацион ахборот технологияларини қўллаш, таълимни рақамлаштириш, педагогларнинг амалий машғулотлар олиб бориши учун шарт-шароитлар яратиш масалалари борасида ҳам сўз юритилди.

Конференция доирасида Беларусь давлатининг Профессионал таълим республика институти билан профессионал таълим тизими таълим жараёни сифатини ошириш, миллий малака тизимини жорий этиш ва WorldSkills стандартлари асосида кадрлар тайёрлаш йўналишларини қамраб олган ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан хорижий мигрантларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Россия халқлар дўстлиги университети билан ҳамкорликда мигрантларга рус тилида мулоқот қилиш ва касб ўргатишни йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди.

**Дилруҳ ИСОМИДДИНОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## Молия муассасаларида

MIKROKREDITBANK

*Халқ орасида юриб, уларнинг дардини эшитиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, ҳозир айни шу тамойил энг долзарб масалага айланган. Бусиз ислоҳотларнинг самарасини сезиш қийин, одамлар турмуш тарзини яхшилаш имконсиз. Шу боис айни пайтда юртимизда каттаю кичик давлат идораларидан тортиб, хизмат кўрсатиш ва молиявий ташкилотларгача шу қоидага амал қилиш ҳаракатида. Зеро, муаммолар мулоқотда маълум бўлади, ҳамкорлик ҳамжиҳатликда кенгаяди, ривожланади.*

# ХАЛҚ ОРАСИДА БЎЛИБ, ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИНИ ЭШИТИШ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЧУН ЖУДА ЗАРУР

Аслини олганда, халқ орасида бўлиш молия муассасалари, хусусан, тижорат банклари учун ҳам жуда зарур ва фойдали. Чунки банклар фаолияти мижозларга, яъни одамларга боғлиқ. Улар қанчалик кўп мижоз жалб этса, айланма маблағи ҳам, даромади ҳам шунчалик ортиб бораверади. Демак, банкларнинг бугунги тарғиботу ташвиқоти, мижозларни қийнаётган турли муаммо ва тўсиқларга барҳам бериши ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Шу маънода, “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг мамлакатимиз шимолий ҳудуди — Қорақалпоғистон Республикасига қаратаётган эътибори бежиз эмас.

Чиндан ҳам, кейинги йилларда Қорақалпоғистонда мисли кўрилмаган оламшумул ўзгаришлар юз берди. Буни кундан-кунга чирой очиб бораётган Мўйноқ ва бошқа туманлардаги ўзгаришларда, том маънода ҳаётга қайтаётган Оролбўйи ҳудудларида ҳам яққол сезиш мумкин. Бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини-ку асти қўяверинг.

Оролнинг қуриган қисмига сепилган ҳар бир уруғ ва кўчат эртага униб, ўсиб ниҳолга, дарахтга айланиши, шубҳасиз. Зеро, бу ишлардан ният холис, кўзланган мақсад аниқ.

Бу каби ишларга камарбаста бўлаётган “Микрокредитбанк” жамоаси Қорақалпоғистоннинг бир қатор туманларида, хусусан, Чимбой ва Хўжайли туманларида камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга кўмаклашишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйишди.

Хўш, камбағалликни қандай қилиб камайтириш мумкин?

Мутахассислар бунга тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш орқали даромад топиш имконини яратиш билан эришилади, дея фикр билдиради.

Дарҳақиқат, шундай. Одам қачонки, доимий даромадли ишга эга бўлсагина турмушида барака бўлади. Оила тинч-тотув ҳаёт кечиради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Микрокредитбанк” мутахассислари томонидан ушбу туманлардаги вазият чуқур ва таҳлилий ўрганиб чиқилгани ишни тўғри ташкил этишда қўл келяпти, дейиш мумкин.

> *Чимбой туманидаги мавжуд кичик саноат зонасида учта лойиҳа рўёбга чиқарилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача унинг иккитаси ишга туширилган бўлса, Хўжайлидаги кичик саноат ҳудудида бир қатор йўналишларда 9 та янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Эътиборлиси, бугунги кунга қадар 7 та корхона фаолиятини бошлади ва қолган иккита лойиҳани амалга ошириш ишлари тармоқ жадвалига асосан давом этмоқда.*

Ўрганишларга кўра, ҳозирги кунда Чимбой туманида жами 1 минг 781 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, шундан 1 минг 120 таси якка тартибдаги тадбиркор ва 661 таси юридик шахсни ташкил этади.

Туманнинг драйвер соҳаси сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва чорвачилик йўналишлари белгилаб олинди. Шу боис мазкур йўналишларда 176 та янги иш ўрнига эга умумий қиймати 63,9 млрд. сўмлик 19 та *(6 та донни қайта ишлаш, 13 та чорвачилик йўналишида)* янги лойиҳа йўлга қўйилди.

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижроси бўйича олиб борилган ўрганишлар давомида 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган 750 та янги иш ўрнига эга 252,3 млрд. сўм *(банк кредити 22,1 млрд. сўм ва 13,4 млн. долл.)* қийматидаги жами 81 та *(13 та янги ташкил этилган корхона)* инвестиция лойиҳаси шакллантирилди.

Хўжайлида эса жами 2 минг 844 та тадбиркорлик субъекти мавжуд бўлиб, шундан 1 минг 926 таси якка тартибдаги тадбиркор ва 918 таси юридик шахс ҳисобланади. Мазкур туманда мева-сабзавотчилик ва чорвачилик анча ривожлангани боис мазкур йўналишларда 273 та янги иш ўрнига эга умумий қиймати 64,1 млрд. сўмлик 33 та *(8 та мева-сабзавот, 25 та чорвачилик йўналишида)* янги лойиҳа шакллантирилган.

Ушбу ҳудудда ўрганиш давомида 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган 899 та янги иш ўрнига эга 291,1 млрд. сўм *(банк кредити 75,4 млрд. сўм ва 1,6 млн. долл.)* қийматидаги жами 130 та *(21 та янги ташкил этилган корхона)* инвестиция лойиҳаси шакллантирилди.

Ҳудудда ишлаб чиқариш “занжири”ни яратиш мақсадида Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги, “Ecoline Root” МЧЖ ва “American Arirang Group Co.Ltd” МЧЖ иштирокида қизилмия илдизини чуқур қайта ишлашни ташкил этадиган кластер тизимини йўлга қўйиш белгилаб олинди.

Чимбой туманидаги мавжуд кичик саноат зонасида учта лойиҳа рўёбга чиқарилиши белгиланган бўлиб, ҳозиргача унинг иккитаси ишга туширилган бўлса, Хўжайлидаги кичик саноат ҳудудида бир қатор йўналишларда 9 та янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Эътиборлиси, бугунги кунга қадар 7 та корхона фаолиятини бошлади ва қолган иккита лойиҳани амалга ошириш ишлари тармоқ жадвалига асосан давом этмоқда.

Чимбой туманидаги мавжуд 51 та саноат корхонаси фаолияти ўрганилганда, 24 та корхонага пандемия ўз таъсирини кўрсатгани аниқланди. Шу сабабли 5 нафар тадбиркорнинг 4,2 млрд. сўмлик кредит тўловлари бўйича таътил берилган бўлса, 3 нафарига 1,2 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди ҳамда фаолияти тўхтаган 2 та тадбиркорлик субъектига йил якунига қадар 1,3 млрд. сўм айланма маблағ учун кредитлар ажратилиши белгилаб олинди.

Хўжайли туманидаги мавжуд 147 та саноат корхонасининг фаолияти ўрганилганда эса 29 та корхонанинг фаолияти ҳам пандемия сабаб тўхтагани, 41 та корхонада муаммолар мавжудлиги аниқланди. Бу ерда ҳам шу даврда 10 та тадбиркорнинг 3,5 млрд. сўмлик кредит тўловлари бўйича таътил берилди, 22 та тадбиркорга 2,3 млрд. сўм кредит ажратилди ҳамда 13 та *(фаолияти тўхтаган)* тадбиркорлик субъектига йил якунига қадар 11,1 млрд. сўм айланма маблағ учун кредитлар ажратилиши белгилаб олинди.

Чимбой туманида жами 6 та корхона экспорт билан шуғулланади. 2020 йилда туманда жами 5,7 млн. долларлик экспорт прогнози белгиланган бўлиб, 9 ой давомида 3,4 млн. доллар қийматидаги маҳсулотлар хориж бозорларига сотилган.

Хўжайлида эса 12 та корхона ўз маҳсулотларини ташқи бозорга сотса, 2020 йилда туманда жами 5,5 млн. доллар экспорт прогнози белгилангани ҳолда, ўтган 9 ойда жами 2,9 млн. доллар қийматидаги маҳсулотлар экспорт қилинган. Йил якунига қадар белгиланган режани бажариш учун 2,6 млн. долларлик маҳсулотни экспорт қилиш зарур бўлади.

Айни пайтда Чимбой туманида 21 та маҳалла ва овул фуқаролар йиғинидаги 18 минг 571 та хонадонда 113 минг аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги жами ишсизлар сони 6 минг 200 нафар. Хўжайли туманидаги 26 та МФЙда 123 мингта аҳоли истиқомат қилса, шундан 6 минг 507 нафари иш билан таъминланиши зарур. Шу боис ҳар икки туманда улар “темир дафтар” ва “аёллар дафтари”га киритилган.

Чимбой туманидаги “Пашент тау”, “Тағ жап”, Хўжайлидаги “Саришунгул” ва “Қумжыққын” овул фуқаролар йиғинлари ўрганилганда, қуйидаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечими бўйича “Йўл харита”си ишлаб чиқилди. Ушбу туманлар аҳолисини деярли бир хил муаммо қийнаб келмоқда. Яъни ишсизлик, ер, электр энергияси ва газ таъминоти ҳамда уй-жой улар учун долзарб.

Шу боис Чимбойда ижтимоий дастурлар доирасида жорий йилда 552 та жисмоний ва юридик шахсга 18,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 1 минг 13 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Шунингдек, 2020 йил якунига қадар 4,5 млрд. сўм кредит ажратилиб, яна 225 та янги иш ўрни яратилиши белгиланди.

Хўжайлида ижтимоий дастурлар доирасида жорий йил давомида 708 та жисмоний ва юридик шахсга 16,2 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 986 нафар аҳоли даромадли ишга жалб қилинди. Шунингдек, 2020 йил якунига қадар 4,1 млрд. сўм кредит ажратилиб, 198 та янги иш ўрни яратилиши белгиланди.

Бундан ташқари, туманда ташкил қилиниши режалаштирилган 50 та уй боғчасини “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида молиялаштириш белгиланиб, бугунги кунда 8 та уй боғчасига 240 млн. сўм кредит ажратилди ва 200 нафар бола қамраб олинди.

Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда туманда ёшларнинг инновацион ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантиришга йўналтирилган “Коворкинг маркази”ни ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Амалга оширилган ишлар, кўрилган чора-тадбирлардан нималар кутилмоқда? Булар туфайли Чимбойда жами 2 минг 490, шундан 2020 йилда 724, 2021 йилда 1 минг 45, 2022 йилда 721 киши иш билан таъминланади.

Бу, табиийки, ушбу ҳудудлар салоҳияти юксалишига, пировардида шу ерда истиқомат қилаётган одамлар турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилиши муқаррар. “Микрокредитбанк” АТБ эса уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамиша тайёр ва бунинг учун ушбу туманлардаги лойиҳаларга махсус кредит линиялари жалб қилишга киришган.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, атоқли рангтасвирчи рассом
**Ҳаким МИРЗАҲМЕДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6